

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИККА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЯКУНЛОВЧИ АКТИНГ ИМЗОЛАНИШИ

ХЕЛЬСИНКИ, 1 август. (ТАСС махсус мухбирлари). Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи давлатларнинг олий раҳбарлари бутун якунловчи акти имзоладилар. Бу акт кескинлигини юмшатишни конкрет моддий мазмун билан тўлатувчи ва Европа қитъасидаги ҳалқлар тинчлиги ва хавфсизлигининг негизларини яратувчи ҳужжатдир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев кенгашда сузлаган нуктада айтганидек, юмшатиш моддийлашиб бораётганлигини ўзи Европада тинчликни таъин ҳам мустаҳкам ва қўйилмақом қилиш лозим бўлган жамини ишларнинг моҳиятидир.

Тундан кейин «Финляндия» саройининг ядди мажлислар залда ўтмишнинг якунларини тўлабона қолмай, балки ўзининг бутун мазмунин билан келажакка қаратилган ҳужжатини имзолаш маросими тантанали вазиятда ўтказилди. Бу ҳужжат барча мамлакатларнинг тинчлик, хавфсизлик, турли соҳалардаги ҳамкорликка доир энг афғул проблемаларнинг кенг доирасини ўз ичига олади.

Якунловчи акти имзолаш маросимини Финляндия Республикасининг президенти У. К. Кекконен очди. Делегацияларнинг бошқаруви катта стол атрофидаги ўринларни эгаллайдилар. Кенгаш барча қатнашчиларнинг иштирокида ҳужжатни имзолаш маросими бошланди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Совет Социалистик Республикаси Иттифоқи номидан ҳужжатга имзо чекди.

Якунловчи ҳужжатни Германия Федератив Республикасининг федерал канцлери Г. Шмидт, Германия Демократик Республикасининг номидан Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Хонеккер, Америка Қўшма Штатлари номидан АКШ президенти Ж. Форд, Австрия Республикасининг номидан федерал канцлер В. Крайски, Бельгия қироллиги номидан Бош министр Л. Тиндлманс, Болгария Халқ Республикасининг номидан БКП Марказий Комитетининг биринчи секретари, БХР Давлат кенгашининг Раиси Т. Яйков, Канада номидан Бош министр П. Э. Трюдо, Кипр Республикасининг номидан Кипр президенти архиепископ Макариос, Дания номидан Бош министр А. Йоргенсен, Испания номидан ҳукумат бошлиғи К. Ариас Наварро, Финляндия Республикасининг номидан президент У. К. Кекконен, Фран-



ХЕЛЬСИНКИ, 1975 йил 1 август. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш якунловчи актининг имзоланиши. Суратда: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ҳужжатни имзоламоқда.

ция Республикаси номидан В. мидан Бош министр И. Ден Ойл, Исландия д'Эстон, Буюк Британия бирлашган қироллиги ва Шимолий Ирландия номидан Бош министр Г. Вильсон, Греция Республикаси номидан Бош министр К. Караманлис, Венгрия Халқ Республикасининг номидан ВСИП Марказий Комитетининг биринчи секретари, ВХР президенти Н. Чаушеску, Сан-Марино номидан таъин ва сийсиш ишлар бўйича давлат секретари Ж. Л. Берти, Ватикан номидан церков давлат ишлари билан шуғулланувчи кенгашининг секретари А. Казароли, Швеция номидан Бош министр У. Пальме, Швейцария конфедерацияси номидан президент И. Грабер, Чехословакия Социалистик Республикасининг номидан ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР президенти Г. Усман, Туркия Республикасининг номидан Бош министр С. Демирел, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг номидан президент И. Броз Тито имзоладилар.

Имзо чеккиш маросими тамом бўлди.

Залда ҳозир бўлган қишларнинг ҳаммаси Европа халқларининг ҳаётига самарали таъсир қўраётганига қолмай, балки янги тинчликни мустаҳкамлаш ишга муҳим ҳисса бўлиб ҳам қўшилган коллектив ҳужжатни тўлдирди.

Финляндия Республикасининг президенти У. К. Кекконен якунловчи нукта сузлайди, яна гулдур қарсақлар янграйди. Кенгаш қатнашчилари тарихий форум муваффақиятли якунланганини билан бир-бирларини қутлайдилар.

Залда ҳозир бўлган қишларнинг ҳаммаси Европа халқларининг ҳаётига самарали таъсир қўраётганига қолмай, балки янги тинчликни мустаҳкамлаш ишга муҳим ҳисса бўлиб ҳам қўшилган коллектив ҳужжатни тўлдирди.

Финляндия Республикасининг президенти У. К. Кекконен якунловчи нукта сузлайди, яна гулдур қарсақлар янграйди. Кенгаш қатнашчилари тарихий форум муваффақиятли якунланганини билан бир-бирларини қутлайдилар.

22-ЙИЛ
ЧИКИШИ.
№ 151 (5500).
2
АВГУСТ
ШАНБА
1975 ЙИЛ.
Баҳоси 2 тийин.

31 июль куни Хельсинкида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Германия Федератив Республикасининг федерал канцлери Г. Шмидт билан учрашди. Бу учрашувда КПСС Марказий Комитети Сийсиш бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва Германия Федератив Республикасининг Ташқи ишлар министри Г.-Д. Гершнер қатнашдилар.

Сўхбат чоғида СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида икки томонлама муносабатларнинг баъзи жуда муҳим масалалари устида фикрлашиб олинди. Л. И. Брежнев билан Г. Шмидт СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга, турли соҳаларда амалий кели-

Л. И. БРЕЖНЕВ ГФР ФЕДЕРАЛ КАНЦЛЕРИ БИЛАН УЧРАШДИ

қиб олишга ҳар иккала томон кўмаклашишга маҳкам бел боғлашга келишди. Ҳар иккала мамлакатнинг ташқи ишлар министрлари ҳар икки томонни қизиқтиратган масалаларни муҳокама қилмоқ учун учрашадилар, деб таъкидлаб ўтилди.

Халқаро проблемаларни муҳокама қилиш чоғида Л. И. Брежнев ва Г. Шмидт Европа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни тинчлик, кескинлигини юмшатиш ва яхши қўшничилик йўлида ривожлантириш истиқболларига алоҳида эътибор бердилар. Шу муносабат билан Европада

хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш натижалари Европа қитъаси ҳаётида янги муҳим босқич очибди. Учрашув ишчанлик, конструктив вазиятда ўтди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, СССР Ташқи ишлар министри Г. Шмидтнинг аъзоси А. П. Бондеренко ҳамда федерал канцлер идорасида ташқи сийсат бўлимининг раҳбари К.-В. Занне ҳозир бўладилар.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ ВА А. А. ГРОМИКО ТУРКИЯ БОШ МИНИСТРИ БИЛАН СЎХБАТЛАШДИЛАР

Л. И. Брежнев ва А. А. Громико ўртоқлар Туркия бош министри С. Демирел ва Туркия ташқи ишлар министри И. Чагъалыил билан учрашдилар.

Икки томонлама Совет—Туркия муносабатлари масалалари ҳусусида, шунингдек Умумевропа кенгашининг ишга таълуқли масалалар ва иккала томонни қизиқтирувчи баъзи бир

бошқа халқаро проблемалар ҳусусида фикрлашиб олинди.

Сўхбат ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ Н. ЧАУШЕСКУ БИЛАН УЧРАШДИ

1 август куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев РКП Бош секретари РСР президенти ўртоқ Н. Чаушеску билан учрашди.

Уртоқларча сўхбат чоғида Хельсинкида ўз ишчи тугатилган кенгашнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун гоят катта аҳамияти борлиги таъкидлаб ўтилди. Л. И. Брежнев билан Н. Чаушеску КПСС билан РКП ўртасидаги қардошлик залоқларини янада ривожлантириш

ва чуқурлаштириш. Совет Иттифоқи тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушадиган ана шу юксак мақсадларга эришишда Кипр президенти ва халқига муваффақиятлар тилади.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ КИПР РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 1 августда «Финляндия» саройида Кипр Республикасининг президенти архиепископ Макариос билан учрашди.

Президент Кипр давлатининг мустақиллиги, суверенитети ва бутунлиги учун курашда Кипр халқига мадад бераётганлиги учун Совет Иттифоқи миннатдорчилик изҳор қилди.

Л. И. Брежнев Европада мустақкам тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушадиган ана шу юксак мақсадларга эришишда Кипр президенти ва халқига муваффақиятлар тилади.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ НИДЕРЛАНДИЯ БОШ МИНИСТРИ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 1 август кунини Нидерландия бош министри

Й. Ден Ойл билан учрашиб, Умумевропа кенгашининг натижалари тўғрисида ва кенгаш қарорларини

амалга ошириш ҳақида у билан қисқача фикрлашиб олди.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ А. МОРО БИЛАН СЎХБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 1 август кунини Хельсинкида Италия Министрлар Кенгашининг раиси А. Моро билан сўхбатлашди. Сўхбат дўстона вазиятда ўтди.

Л. И. Брежнев билан А. Моро Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг муваффақиятини таъкидлаш ва бу кенгаш унда қатнашувчи давлатлар ўртасидаги яхши муносабатларни янада ривожлантиришга янги мадда бериб, деб ишонч билдирдилар.

Л. И. Брежнев Европада мустақкам тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушадиган ана шу юксак мақсадларга эришишда Кипр президенти ва халқига муваффақиятлар тилади.

(ТАСС).

ОЛАМШУМУЛ-ТАРИХИЙ ВОҚЕА

ТИНЧЛИККА МУНОСИБ ҲИССА

Совхозимиз деҳқонлари, чорвадорлари Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган якунловчи кенгашнинг натижаларини зур эътибор билан ўрганмоқдалар. 35 мамлакат олий мартабали раҳбарлари бир ерга тўпланишиб, Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликнинг тўб проблемаларини кенг ва афғул муҳокама қилдилар.

Кенгашда совет делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ёрда ва Брежнев тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида бутдан кейин ҳам янада ғайрат қурса-

тиб қиллашга бошқа мамлакат раҳбарларини яна бир қарра даъват этди.

Биз совет қишлари, дунёда тинчликни ўрнатин йўлида бузган кейин ҳам астойдил меҳнат қилверамиз. Партия ва ҳукуматимизнинг тинчлик йўлида олиб бораётган ленинча сийсатини қўллаб-қувватлаймиз. Ватанимизга қўпроқ қишлоқ ҳужайма маҳсулотлари еттиштириб бериб, партияимизнинг навбатдаги XXV съездига муносиб меҳнат соғаларни тайёрлаймиз.

М. ДАВЛАТОВ,
Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхозининг директори.

ЭРКСЕВАР ХАЛҚЛАР НИЯТИ

СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар Европада хавфсизликни таъминлаш ва узаро ҳамкорликни барқарор қилиш юзасидан олиб бораётган ишлари ёрда самаралар бермоқда.

Хельсинки шаҳрида Европада хавфсизлик ва узаро ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг бўлиб ўтиши бу соҳада яна бир муҳим воқеа. Туран элларда вакилларидан ташкил топган, бизнинг бирадидан азозлири бу улкан анжуманин хайрхоҳлик билан оқлишмоқдалар.

Биз ўз фидокорона меҳнатимиз билан тинчликсевар мамлакатимиз куч-қудратини янада юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшаверимиз.

М. ТУРГУНБОВ,
Ангрендаги 9-шахтанинг комплекс бригадаси бошлиғи.

УМУМЕВРОПА КЕНГАШИДА

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг 31 июль куни Хельсинкида мажлиси Италия делегациясининг бошлиғи Италия Министрлар Кенгашининг раиси А. Моро раислигида давом этди.

Югославия Коммунистик Союз раиси, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти Иосип Броз Тито ўзининг нуктада бу кенгаш Европа тарихидаги улуғ иш эканлигини, ҳозирги ва келажакда авлодлар учун яхши келажакка ва тагин ҳам бахтлироқ ҳаётга умидлар тугайдиганлигини айтди.

Хавфсизлик ҳамда ҳамкорликка бағишланган мано шу Умумевропа кенгаши, деб давом этди у. Европа халқлари ўртасидаги инсонлиқнинг натижаларига бўлиб қолмасдан, шу билан бирга иккинчи жаҳон уруши давомида ва ундан кейин халқаро сийси, иқтисодий ва жаминий муносабатларда руй берган янги тенденциялар ва ўзгаришларнинг ҳам натижаларидир. Бу кенгаш фақат Европанинггина эмас, бутун дунёнинг ҳам аҳоли учун катта аҳамиятга эга.

Биз халқлар эркинлиги ва мустақиллиги учун, тинчлик учун ва ҳаммага баббаравар хавфсизлик бўлиши учун, тенг ҳуқуқлилик ва ҳар томонлама ҳамкорлик учун, иқтисодий ва социал таркибидеги учун тобора кескин кураш олиб бораётган бир даврда яшаб турганимиз. Мустақиллик, империялизм ҳамда халқларни сийси ва иқтисодий эътиборини турли формаларни даври бизнинг кўз олдимизда гарчи секинлик билан бўлса, аммо муқаррар тугаб бормоқда.

Бирок, иккинчи томондан, одамлар ва халқлар шуни тобора қўпроқ англамоқдаларки, ҳозирги замон

шароити ва меҳнат воситалари, шунингдек илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиёт эҳтиёжлари одамларнинг бир-бирларига яқинлашувини ва бирлашувини катти талаб қилмоқда.

Блокаларга қўшилмаслик сийсати ҳам янги ва демократик сиқилларни излаш ва янги бир ахтда маъмури проблемаларга реал жавоблар қидириш йўлиларидан бирадир.

Эндилликда тинчлик ва хавфсизлик бир-бирдан ажралмайдиган бўлиб қолганига эмас, шу билан бирга инсониятнинг бундан буёнги тараққиёти учун тарихий зарурат ҳам бўлиб қолди, деди И. Броз Тито. Тангликлар ва можаролар давом этар экан, жаҳонда ҳеч ким ва ҳеч қаерда ўзини тула равишда хавфсиз, деб ҳис қила олмайд. Кенгаш қатнашчилар булган давлатлар бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликнинг муштарак манфаатлари йўлида ҳам, шунингдек, манфаатлари йўлида ҳам бундай тангликларни одилона ва узоқ муддатли бартараф қилиш йўлиларини излашга ёрдам беришлари мутлақо эга.

Бу кенгаш кескинлигини юмшатиш ва музокара олиб бориш сийсатининг кўп даражада оқибати бўлади. Бу кенгаш шу сийсатининг энг муҳим натижаларидан бирадир. Европада қўлга киритилган натижалар буюк давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг яқинлашиши билан бир қаторда, ҳеч шубҳасиз, музокара олиб бориш ва битимларга келиш йўли билан бошқа халқаро проблемаларнинг ҳал этиш учун ҳам қулайроқ шароит яратиб беради. Бу жараён жаҳоннинг ҳамма районларига ёйилиши, муҳим халқаро проблемаларнинг ҳаммасини ўз ичига олиши лозим.

Қўлга киритилган натижалар далда

берувчи катта натижалардир, деб давом қилди нотиқ, бироқ бу натижалар билан хотиржам бўлишга ҳаққимиз йўқ. Аксинча, эндиликда энг катта проблемаларни ҳал этишга ўз бериб интиломимиз керак, шундай қилинмаса чинкам ва мустақкам хавфсизлик бўлиши мумкин эмас.

Бу кенгаш жараёнининг бошланғич эканлигини ҳамма нарсаси қўқиб турибди. Эндилликда биз кўзқ вақтлардан бери тўпланиб келган ва халқ ҳам Европанинг иқтисодий, сийси ва иқтисодий структурасига нуқур томир ёлган, авлодларнинг онкин заҳарлаб келаётган салбий нарсаларининг ҳаммасини тугатиш мақсадида куч ва ғайрат сарфлашга керак. Шу сабабли бу кенгашда туфайли вужудга келган вазиятда биз бошланган йўлни давом эттиришимиз ёрат зарур. Бугун ҳал этилиши мумкин, ле лозим бўлган масалаларга доир қарорлар қабул қилинишининг йиллар буйи пайсалга солинишига йўл қўймаймиз, деди И. Броз Тито. Ҳаммамизнинг зиммасида катта масъулият ҳам маъно шунда.

Пировардиди И. Броз Тито бундай деди: Бизнинг учрашувимиз фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги юбилейи нишонланаётган йилда ўтказилмоқда. Маъно шундай қилларда аянқаса мана шу дахшети маҳкамани босиб ўтган барча қишларнинг фикри ва ҳис-туйғулариди «кўп нарсалар яна таваллабди. Ишонинг. Ўтмиш ёвузликларини унутмаслиги керак ва унуте олмайд, чунки шундай қилганимизда у тагин ҳам қушароқ бўлиб, тинчлик посбони бўлиб тура олади. Ҳозир Европанинг қилаётган ишлари маъно

шу юбилейнинг энг яхши байрам қилинишидир.

Финляндия республикаси президенти Урхо Каллева Кекконен ўз нуктада уқтириб айтдики, 35 давлат раҳбарлари Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунловчи акти имзоламоқ учун Хельсинкига келганлигининг ўз проблемаларини кенгаш принциплари мувофиқ ҳал этишга ҳамма баббаравар интилаётганлигини қўқатиб турибди.

Шу кенгашда қатнашаётган давлатлар ўзларининг ўзаро муносабатларида амалга оширишга қарор қилган принциплар декларацияси, деб давом этди нотиқ, бутун кенгашимиз таънадинан позицияни ташкил этади. Шу билан бир ахтда бу декларация давлатларимизнинг ўзаро фаолиятларини ва муносабатларини муайян йўлга солиб туриб, шу маънода уларга ўзининг бевосита таъсирини ҳам ўтказарди. Биз ниҳоят даражада маъмур бўлиб, шуни қайд қиламизки, герин принциплар декларацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг принциплари ва мақсадларига асосланган бўлсада, лекин у Бирлашган Миллатлар Ташкилотини уставиға қараганда қўпроқ нарсани ўз ичига олади, чунки бу принципларни китъба миздаги конкрет шароитга тадбиқ қилибди. Бинобарин, шу кенгашда қилишиб олинган принциплар шу ахтда қилиб айтганларини шунчаки, таққорлаш билан келамизди, балки бу принциплар давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга янги сифатлар бериш мақсадида янги нормалар шиллаб чиқилганини билдиради. Давлатлар ўртасидаги ўзаро қаракатларнинг негизи янги суверен тенглик

(Давоми 2-бетда).

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИГИЛИШЛАРИ

БҮ йил КПСС Устави белгилаб берган муддатга мувофиқ, бугун мамлакатимизда бўйлаб, бизнинг областимизда ҳам пастдан юқоригача бўлган барча зиналарда — партия гуруҳлари, цех, бошланғич партия ташкилотлари, район, шаҳар ва област партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди.

БҮ йилги ҳисобот-сайлов мажлисининг ўзига хос хусусияти шундаки, у КПСС XXV съезди арасида беш йилликнинг якуновчи йили марралари эгаланган бир пайтда ўтди. Бу ҳисобот ва сайлов йиғилишларининг характери ва мазмунини белгилайди. Бу йиғилишларда партия XXIV съезди қарорларининг бажарилишига асос қўйилди. Бунинг билан пайтахтдаги област миқосида ҳам кўриш мумкин. Ушбу йиллар давомида областда сановат ишлаб чиқариш ҳажми топириқда 34,3 процент ўртача 39,8 процент, меҳнат унумдорлиги эса 25 процент ортди. Агарда бутун саноатнинг беш йиллик давомида пилдан ташқари 204 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинган бўлса, тўққизинчи беш йилликнинг тўрт ярим йили мобайнида пилдан ташқари 491 миллион сўмлик ёки яқин ярим баравар кўп сановат маҳсулоти реализация қилинди. Янги техника, илм технологияни жорий этиш, эскириб қолган ўсқуналарни модернизациялаш ва янги йиллар билан алмаштириш соҳасида ҳам анчагина ишлар қилинди, булар маҳсулот этиштириш ва унинг сифатини яхшилашнинг анча кўпайтириш имкониятини берди.

Йилдан-йилга асосий фондларни топириш, капитал маблағ сарфлаш кўпаймоқда. Бу йил капитал маблағ сарфлаш ҳажми 252 миллион сўм, ёки 1970 йилга қараганда 2,2 баравар кўп суммани ташкил этди.

Дехончилик ва чорвачилик маҳсулотлари этиштириш ҳажми ҳам анча кўпайди. Ўтган йили 1970 йилдагига нисбатан 71 минг тонна кўп пахта, 53,5 минг тонна кўп галла, 104,3 минг тонна кўп сабзавот, 38,2 минг тонна кўп сўт,

79,9 миллион дона кўп туҳум этиштирилди.

Област меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан руҳланиб КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўрқот Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайло округи меҳнаткашларининг сайловда йиғилишида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб беш йилликнинг якуновчи йили учун юксак социалистик мажбурият оқдирилди.

Барча меҳнат коллективларида маҳсулотни реализация қилиш ва унинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш бўйича олинган пилани муддатидан илгари — 25 декабрда бажариш, пилдан ташқари 180 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш бўйича топириқларни ошириб бажариш учун ўзаро социалистик мусобақа авж олдириб юборилди.

Курувчиларнинг ҳам пиланири аниқ мақсадга қаратилган. Улар курулиш-монтаж ишлари йиллик пиланини умуман 27 декабрда бажариш, кишлоқларда курулган объектлар бўйича пилани 26 декабрда бажаришга аҳд қилганлар. Кишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу йил давлатга 430 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олдирди. Бу ҳосилнинг тўртдан ун қисми машиналарда териб олинди. Кишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўтган йилдагига қараганда анча кўп галла, сабзавот, картошка, тайёрлашга сўз берганлар. Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинганда сўт 3 минг килограммга етказилди, 98 минг сўт, 29 минг тонна гўш, 172 миллион дона туҳум олинди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида белгиланган программа ҳаётига қандай таътиб қилинганлиги, ишлаб чиқариш резервларидан қандай фойдаланилганлиги ҳақида сўз юритилди. Йиғилишлар коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг ишлари бажаришга сарфбар этиши, илмий-техника прогрессини тезлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, хўжаликни юртини ва бошқариш методларини такомиллаштиришга ёрдам бериш керак. Партия ташкилотлари фаолиятидаги камчилигини туғатишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Областда 3863 та партия гуруҳи, 4007 цех ва 3634 бошланғич ташкилот бор. Улар хўжалик ва маданий курулишнинг турли участкаларида фаолият кўрсатмоқдалар. Коллективларда КПСС XXIV съезди қарорлари бажаришга коммунистлар қанчалик эътибор қилсалар иш унуми шунчалик юқори бўлади. Кўпгина партия ташкилотлари коллективга раҳбарлик қилиш соҳасида қимматли тажриба тўпладилар. Илгари ҳисобот-сайлов йиғилишлари ана шундан далолат беради.

Бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг сифат састави яхшиланди. Уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш ва партиянинг ишлари яхши биладиган бўлиб қолди. Уларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишларида 92,9 процент олий ва ўрта маълумотга эга. Улар орасида 1013 киши инженер-техник ходим ва кишлоқ хўжалиги мутахассислари, 347 киши эса ишчи ва хизматчилардир.

Партия йиғилишлари ўз вақтида ўтадиган бўлиб қолди. Агар 1971 йилда 37 процент партия ташкилотларида мажлисларни ўтказиш мuddатига риоя қилинмаган бўлса, 1974 йилда бу 14 процентга камайди. Партия мажлисларининг коммунистларини тарбиялашдаги роли ошди. 1974 йилда барча йиғилишларда 1973 йилдагига қараганда 35220 кўп киши сўзга чиқди. Коммунистларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишларида қатнашгани 92,2 процент киши қатнашди. Бу коммунистларнинг активлиги, партия ташкилотини ишчи яхшиладан манфаатдорликлари орб бораётганлигини кўрсатиб турипти.

КПСС XXIV съезидан сўнг ўтган йиллар давомида област партия ташкилотини 20 мингдан ортиқ киши кўпайди. Унинг саставида ишчи ва колхозчилар етакчи ўринни эгаллабди. Кейинги олти ой ичда партия аъзоллигига қандайдикка қабул қилинганлар ўртасида ишчи ва колхозчилар 68,4 процентини ташкил этди. 1970 йилда бу кўрсаткич 62,8 процент эди. Комсомоллар ва хотин-қизларни КПСС сафига қабул қилиш ҳам кўпайди. Шу йилнинг олти ойи мобайнида партияга қабул қилинганлар орасида аёллар 34,3 процент, комсомоллар 69,7 процентини ташкил қилган.

«Ташсельмаш» заводида 5 мингга яқин киши меҳнат қилди. Ўтган йил давомида бу ерда КПСС сафига 138 киши қабул қилинган. Заовда ҳар ўн кишидан бири коммунист ҳисобланади. Уларнинг ҳаммаси ҳам нормаларини ортиқ била бажармоқда. Ишчиларнинг 50 процентдан ортиги ўн икки беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда. Коммунистларнинг аксарияти — рационализатор. Ана шу йиллар давомида маҳсулот этиштириш заводида 32 процент кўпайди. Янги турт қаторли пахта териш машинасини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу машинанинг иш унуми олдингиларига қараганда анча юқоридир.

Йиғилишларда партия ташкилотлари КПСС Устави томонидан белгиланган фаолиятни контрол қилиш юзасидан қўйилган ҳуқуқдан қандай фойдаланганлиги, илмий, министрилик ва идора ларнинг аппаратури ишчи устидан назорат қандай йўлга қўйилганлиги, партия ва ҳукумат директивалари қандай бажарилаётганлиги ҳар тарафлама таҳлил этилиши керак.

Ҳуқуқларини алмаштириш партия ташкилотлари иш услуби ва методини янада такомиллаштириш имкониятини берди. Партия комитетлари коммунистлар билан яқинлашган иш олиб боришга, уларда ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчанлик эришилган на тижаларга таъкиддан муносабатда бўлиш ҳиссини тарбиялашга қатъи эътибор бермоқдалар.

Ҳозир област партия ташкилотларида 115 минг КПСС аъзоси ва аъзоллика кандидат партия топширигига эга. Област партия комитети шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида учта штатсиз сектор ва 22 та бўлим, 59 та штатсиз лекторлар гуруҳлари, партиянинг ишнинг ҳар қил масалалари бўйича шуғулланган 147 методик совет иш олиб бормоқда.

Идеология ишчи йўлга қўйишдаги тажрибаларни мустахкамлаш ва муттасил кўпайтириш бориси керак. В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон маламурия заводи идеология ҳодимларини иш тажрибаси диққатга сазовор ва уни қўллаб-қувватлашга эришиш керак. Бу ҳодимлар беш йилликнинг якуновчи йили пилларини бажаришнинг идеология жиҳатдан таъминлаш юзасидан конкрет

мажбурият олдирди ва барча агитация, пропаганда қадрларига мурожаат қилиб, ташаббусга қўшилишга даъват этилди. Бу ҳаракат кенг қўл оқди.

Партия ташкилотлари идеология ишчи доимо такомиллаштириб боришлари, бу ишчи кишиларнинг ўсиб бораётган маданий сависини, эътижларини ҳисобга олган ҳолда олиб боришлари лозим. Партия ва иктисодий ўқув системасини янада яхшилайдиган аҳволи ва таъдирлари ҳам ҳудди ана шу нуктадан назардан муҳокама этилиши керак.

Партия ташкилотининг ишда муваффақиятга эришув кўп жиҳатдан раҳбар органларнинг саставига қилинган сайланганлига боғлиқ. Шунинг учун ҳам партия ташкилотини бу масалаларда қатъи эътибор бериши лозим. Комитет ва бюро саставига киришув учун тавсия этиладиган ўртоқларнинг номзоди муҳокама этилганда унинг ишчанлик қобилияти ва сийсий сависини пухта ҳисобга олиниши лозим. Бошқача қилиб айтганда, раҳбар органларга коллективда бўлган эга бўлган, принципал коммунистларнинг сайланганлиги таъминлаш лозим. Бунда шун ҳам ҳисобга олиш керакки, партия комитетлари ишчи-хизматдорлар билан яқинлашган иш олиб боришга, уларда ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчанлик эришилган на тижаларга таъкиддан муносабатда бўлиш ҳиссини тарбиялашга қатъи эътибор бермоқдалар.

Областда олдиндан пухта ишлаб чиқилган план асосида мажлисларга таййарлик кўриш практикаси кенг қўллаб-қувватлашга олиб борилади. Бу таъкирбанинг мохияти шундаки, мажлисларни таййарлашга мумкин қадар кўпроқ коммунистлар жалб этилади, ҳал қилувчи участкаларда аҳвол чуқур ўрганилади, мажлисларда эришиш қилган ишчи унуми семийи назорат қилинади.

Мажлислар, сўзга чиқувчи фикр ва мулохазаларни дадил ўртага ташлаш кўп жиҳатдан ҳисобот докладынинг қандай тузилганлигига боғлиқдир. Доклад комму-

нистларни қизиқтирадиган, уларни ҳаяжонлантирадиган бўлиши керак.

Мажлислар ҳар бир коммунистнинг партия ташкилотини фаолиятини турғисидаги ва унинг раҳбар органи ҳақидаги ўз фикрини очиб айтиши, тақлифларни ўртага ташлаш мумкин бўладиган вазиятни вужудга келтириш лозим. КПСС Марказий Комитетининг «Тамбов област партия ташкилотинида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳволи ҳақидаги қарорда шу хусусда тўғралаб, коммунист кишини азизларини ҳал қилишнинг мувақабалиги ва унинг кўламини ўсиб бораётганлиги муносабати билан ҳозирги шароитда танқид ва ўз-ўзини танқид тобора катта аҳамият касб этмоқда, у ташкилотчилик гоъий-тарбиявий ишларнинг сависини оширишнинг востисидир, деб қайд қилинади.

Ҳисобот-сайловлар партия ташкилотларининг ҳаётида муҳим воқеадир. Шаҳар ва район партия комитетлари уни алоҳида назорат қилиб боришлари керак. Ҳисобот-сайловларнинг тайёрлашда партия комитетлари ва бюраларининг барча аъзолари оддий коммунистлар иштирок этишлари лозим. Бунда шун ҳам ҳисобга олиш керакки, партия комитетлари ишчи-хизматдорлар билан яқинлашган иш олиб боришга, уларда ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчанлик эришилган на тижаларга таъкиддан муносабатда бўлиш ҳиссини тарбиялашга қатъи эътибор бермоқдалар.

Ҳисобот-сайловлар партия ташкилотлари, барча коммунистларнинг ижодий гайратини оширади. Белгиланган вазифаларни муваффақият бажариш, КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съездини муносиб кутиб олишга ёрдам беради.

Ў. ЗУБАРОВ, област комитети ташкил партиявий ишлари бўлимининг мудири.

ЭРТАГА—ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР КУНИ



Тошкент темирйўлчилари ўзларининг байрамларини ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларни қўлга киритган ҳолда кутиб олинапти. Жумладан, «Ўзбекистон» поездининг Ҳабиб Миржалилов бошлиқ бригадаси коллектив ҳам якуновчи йилда улкан меҳнат зафарларига эришди. Ўтган йилдан бери Эрта Осиё темирйўлида ишлаб келяпти. Суратда: вагон проводник Бобохон Азимов, бригадир Ҳабиб Миржалилов ва проводник Роза Каримовалар.

Коммунистик меҳнат зарбдори Валентин Киселенко 2-вагон депосида меҳнатсевар ишчи сифатида танилди. Суратда: В. Киселенко рейсга жўнайдиган поезд тормозларини кўздан кечирипти.

Э. Миржалилов фотолари.

ПЎЛАТ ИЗ СУВОРЙЛАРИ

ЭРТА ОСИЁ темирйўли Тошкент бўлимининг коллектив йил бошдаюқ барча резерв ва имкониятларини тўла ишга солиб, ҳафтада социалистик мусобақанинг турли формаларидан кенг фойдаланиб халқ хўжалиги ютуқларини ташини ярим йиллик пиланини муддатидан илгари анча ортиқ билан бажарди. Оширилган социалистик мажбуриятнинг қўнига муҳим шартлари ҳам эндида билан удаланимоқда.

Мухбиримиз темирйўлчиларнинг байрами арафасида Тошкент темирйўли бўлимининг бошлиғи Ёллом Захриддиновни ЗАХРИДДИНОВ билан суҳбатлашди. Қўнида ана шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Ёллом Захриддинов, дастлаб халқ хўжалигини ривожлантиришда темирйўл хизматининг аҳамияти хусусида сўзлаб берсангиз.

— Халқ хўжалигини юксалтиришнинг темирйўл транспортини тасаввур этиб бўлмайди. Зотан, темирйўл бу мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш қудрати ва барча бойликларини ўзаро муштарак бўлган турмушнинг муҳим востисидир. Ҳозирги кунда мамлакатимиз темирйўлларида амалга оширилган ишлар ҳажминини кўп олдимишга етказди. Ҳақиқатан ҳам темирйўлчилар бажарган ишнинг нақадар муҳим эканлигига тўла ишонч ҳосил қиламиз. Совет Иттифоқи темирйўлларида ҳар йили 3 триллион тонна-километр иш бажарилади, бу ер шарида пўлат магистралларда бажарилаётган ишларнинг 50 фоизини ташкил этди. Бундан ташқари бизнинг мамлакатимизда энг бой ва ўта ривожланган капиталистик мамлакатлардан бири бўлган Америка Қўшма Штатларидагига нисбатан локомотивлардан ун баравар, юк вагонларидан тўрт баравар, темирйўлнинг ҳар бир километрга тўшадиган юклар оғирлиги бўйича

эса олти баравар кўп фойдаланилади. Мамлакатимиз саноати йил сайини ривожлантириб борапти. Санотнинг етакчи тармоқлари эса гуруҳлаб ўсмоқда. Фақатгина энг асосий иктисодий кўрсаткичлардан бири ҳисобланган меҳнат унумдорлигини олдидан бўлса, бу кўрсаткич биргина ўтган йилдагига нисбатан 5,9 процент ўсибди. Натижада темирйўлчиларнинг зиммасидан ваифалар ҳам кўпайиб борапти. Шундай бўлишига қарамай улар халқ хўжалик юкларини ўз вақтида ташиб беришдек бу муҳим вазифани шараф билан удаламоқдалар. Масалан, якуновчи йилнинг ўтган даври ичидеюқ юк ташини ҳажми 5,9 процент ортди. Кўмир, кокс, нефть, қора ва рангли металлургия, олтингурут ҳам анис, цемент, минерал ўғит каби муҳим халқ хўжалик юкларини ташини анча кўпайди. Ярим йиллик план 102 процентга етказиб адо этилди.

— Иттифоқимиз темирйўлида қўлга киритилган ютуқлар ўз Ватанимизнинг фойдаси бўлган ҳар бир совет кишинини қувонтиради, албатта. Сиз Тошкент темирйўли бўлимининг коллективининг йилги фойда қўлини қўлга киритилган ютуқларга қўшаётган ҳиссаси ҳақида тўғралаб ўтсангиз.

— Республикамизда барча коллективлар қатори биз ҳам юксак партияимизнинг наватбадига XXV съездини муносиб соғва тайёрлаш учун йил бошида оширилган мажбурият қабул қилган эдик.

Бу мажбуриятни муваффақият билан бажариш учун барча имкониятларни ишга солиш. Ўтган етти ой ичидеюқ пилдан ташқари 280 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташини, бу соҳада зиммат олинган ярим йиллик мажбуриятимизни деярли икки баравар ошириб бажаришга эришдик. Юк ташини обороти пилани ҳам 103 процентдан ошириб адо этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 процент кўп демаскид.

Энг муҳим иктисодий кўрсаткичлардан бири бўлган ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш суръати ҳам жадаллашиб борапти.

— Иктисодий кўрсаткичларнинг ўсиб боришига социалистик мусобақа қандай таъсир кўрсатди?

— Социалистик мусобақанинг шарофати эндиладан барчага аён. Коллективнинг бутун қўл-гайратини ишлаб чиқариш самардорлигини оширишга тўла сарфбар этишда социалистик мусобақанинг қудратига таянмоқдамиз. Коллективимизда мусобақанинг турли формаларидан кенг фойдаланилмоқда. Темирйўл бўлимининг қарашли барча станциялар ўзаро мусобақа шартномаси тузиб, шу асосда иш олиб бормоқдалар. Бу мусобақага ҳар ойда якуновчи, гоилибар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб борилади. Масалан, шу йилнинг иккинчи кўрашда Собир Раҳимов, Салар, Гўйепа, Ёзусув, Олмасов ва Қодирга станцияси коллективлари энг юқори кўрсаткичга эришиб,

бўлимининг томонидан таъсис этилган пул мукофотлари билан таъдирландилар.

Шунининг номли станция ишчи-хизматчилари эса беш йилликнинг муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилишга эдилар. Улар иккинчи кўрашда мусобақадан саниқлар орасида юқори кўрсаткичларга эришиб, СССР йўллар министрига таъсис етган иккинчи пул мукофотини олдирди. Тошкент товар станцияси ҳодимлари эса Эрта Осиё темирйўлининг иккинчи пул мукофотини қўлга киритишди.

— Ҳақиқатан ҳам социалистик мусобақа коллектив аъзоларининг ижодий активлигини оширувчи муҳим востисидир. Социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган қарорларда амалга оширилган таъсирларнинг қўлига келди. Бўлимининг қўли қўйилган фаолиятида ана шундай мисол келтира оласизми?

— Сўнгги йилларда темирйўлчилар ҳам халқ хўжалигини юксалтиришга қаратилган ишлаб чиқариш ташаббуси билан чиқдилар. Уларнинг аксарияти бутунли кунда муваффақият қўлга киритилди. Москва темирйўлининг Люблино-сарафан станцияси коллективининг темирйўл транспортини янада самарали фойдаланиш ташаббуси «Электросталь» темирйўл транспорт сановат корхонасининг юк ташини яхшилади. Одесса — Киев темирйўлчиларининг шунининг, Қора денгиз кемачилари ва Одесса автомобилчиларининг

локомотивлар, вагонлар, автомобиллар, кемаларнинг бекор туриб қотишини камайтириш юзасидан бошланган ташаббуслари шулар жумласидандир. Бундай муҳим ташаббусларнинг вужудга келиши ҳаёт тақозосидир. Чунки, ҳозирги кунда фанат шахсий таъкирбига сўйиб иш кўрган коллектив умумий тараққиётдан орқада қолиб қетиши аниқ. Шунинг учун қўни турдош корхоналар таъкирбасини ўрганиш, улар билан мунтазам алоқада бўлиш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш зарур.

Бўлимининг қарашли Тошкент товар станцияси коллективини шахар марказлаштирилган ҳудуднинг юк ташини автотренининг 2502-тўловини коллектив билан келишиб, Қора денгиз кемачилари ва Одесса автомобилчилари ташаббусини республикамизда биринчи бўлиб қўллаб-қувватладилар ва ҳамкорликда социалистик мажбурият қабул қилдилар. Ҳозир улар ўзаро ҳамкорлик асосида иш олиб бориб, иккинчи натижаларга эришмоқдалар.

Бу ташаббускор коллективлар ниндан бораётган Қўрғон ва Орлов номи йўл бўлимлари ҳодимлари бир кеча-кундузда ўртача минг километр йўл босиб ва фойдаланиш вақтининг минг минутга етказишга эришмоқдалар.

— Энди коллектив олдида турган янги вазифалар ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Коллективимиз якуновчи йилда ўз зиммаларига юксак социалистик мажбурият қабул қилишдан. Биз юк ташини ишларини 29 декабрда тўла бажаришимиз керак. Шу кунгача пилдан ташқари 300 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб беришимиз лозим. Бундай улкан ҳажмдаги ишчи бажариш, албатта, натта куч-гайрат талаб қилади. Шунинг учун биз йил бошданюқ ҳар бир имкониятдан мумкин қадар тўла-роқ фойдаланишга, ишчининг унумини оширишдан бирорта йилликнинг эътибордан четда қолмаслигига ҳаракат қилиб келаятиримиз.

Ўтган етти ойлик иш якунига қўра асосий иктисодий кўрсаткичлар бўйича социалистик мажбуриятни қўлга киритишда анча ютуқларга эришдик. Бундан ташқари, биз кўп қадар бартараф этишимиз лозим бўлган камчиликларимиз ҳам оз эмас. Биринчи гада поездининг ҳафти коллектив аъзолари ўртасида меҳнат нитизомини янада мустахкамлашга жиддий эътибор бераётимиз. Бунда биз, асосан, барча участкаларда диспетчерлар ёрдамига таянмоқдамиз. Чунки улар станция ҳодимлари ва машинистлар билан мунтазам алоқада бўлиб, ўз вазифаларига сикдидилан муносабати бўлишга ундайдилар. Ҳозир бўлимининг Абдурахмонов, Ҳокимов сингари ўйлаб таъкирбали диспетчерларимиз меҳнат нитизомини мустахкамлаш ҳаракатида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ташаббускор коллективлар таъкирбасини кенг йўли, вагонларнинг бекор туриб қотишини камайтириш, юк ташини ҳажминини кўпайтириш, фойдаланиш вақтининг ошириш масалаларини ҳам бутун коллектив аъзоларининг диққат марказида турипти.

Бир сўз билан айтганда биз кундаги фаолиятимизда Л. И. Брежневнинг Бауман сайло округи сайловчилари билан бўлган учрашувида айтилган қўлидаги сўзларга амал қилишга ҳаракат қилмоқдамиз. «Биз манкуд ишлаб чиқариш қувватларини янада тўла-роқ фойдаланишимиз, хом ашё ва материаллар сарфини камайтиришимиз, янги, янада мукамал технологияларни ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этишимиз лозим».

КЕНЖА БИЛИМ ЮРТИДА

Республика бадий ҳунармандчилик комбинатининг ташкил этилганга айтирлик кўп вақт бўлган йўл. Бундан бир йил мўҳадда, 1974 йилнинг март ойидан дарслар бошланди.

Барча ўқув муассасалари қатори республика бадий ҳунармандчилик билим юртининг педагогик коллективи Еш алоқин илм-фан нуридан баҳраманд қилиш, уларни замонавийга муносиб кишилар қилиб этиштириш бўлида сикдидилан билан хизмат қилмоқдалар.

— Қисқа муддат ичидеюқ комбинатни 384 нафар ўқувчи таъкирб чинди, — дейди билим юрти директори Турман Раҳмонов. — Еш мутахассислар шу кеча-кундузда маҳаллий сановат министрлигига қарашли корхоналарда ўқув муассасасида олган назарий билимларини ишлаб чиқаришда таъкирба билан мустахкамлашмоқда.

Билим юртида қатор иктисодик бўйича бўлимлар мавжуд бўлиб, бадий каштачилик, янги ташаббусларга сўз тикиш, худудчилик, ўйлашнинг, муқим асосларини содлаш, тикув машиналари бўйича меҳнатчилар, попопчи ҳамда чеварлик каби мутахассислар шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда билим юртида 475 киши ўқияпти. Ўқувчилар ўқиб давомида бадий керамика, бадий попопчилик ва тикувчилик ишлари бўйича амалий ишлар, қўрғазмалар тайёрлайдилар. Билим юртида 100 дан ортиқ такомиллаштирилган мосламалар — попопчилик, тикувчилик, худудчилик учун лой қориб берадиган машиналар бор.

Билим юрти Тошкентдаги бадий буюмлар, мийли муқим асослари, уларнинг ёдорликлар — «Сувенир» фабрикалари билан яқиндан алоқа боғлаб бўлиб, асосан ана шу корхоналар учун нақдлар тайёрлаб беради. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган расом Камол Туропов, Раёно Аллоберганова, Эдис Янбарисова, Дилбар Исмоилова, Фарид Хонимова, Д. Ёнбекова, Ринат Янбарисовлар бўлажак мутахассисларга ўз билим ва таж-


рибаларини қўни билан сингидирб бормоқдалар.

Билим юртида республикамизнинг турли областларида келган ёшлар ҳам таҳсил қилишмоқда. Уларнинг яхши ўқиб, чуқур билим олишлари учун барча қўлалиқлар мавжуд. Шинам ётоқхона, спорт комплекси, беш кутубхона студентлар иктириб бериб қўйилган. Кутубхона ўқувчиларни адабий, илмий, сийсий асарлар ҳамда дарсликлар билан таъминловчи, кистолар адабиётлар, дарсга қўшимча материаллар етказиб беришчи маданий ўқоқ ҳисобланади.

Турли тарихий ноқеалар, муқим саналар, буюк кишилар турғисида китоб қўрғазмасини ташкил қилиш ҳам ўқувчиларда нафосат туйғуларини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Масалан, «Шавкатли Совет Армиямиз», «Дустлик кучи» темаларида ташкил этилган китоб қўрғазмаси фикринингиз далилидир.

Тарбиявий ишларни қучайтиришда даредан ташқари таъдирларда катта эътибор берилмоқда. Ўқувчиларнинг графдалар турғиси ва Ўлуг Ватан уруши қаҳрамонлари, меҳнат ветеранлари ва ишлаб чиқариш илдорлари билан тез-тез учрашувлар ўтказиб туриш ҳам ачина тусига кириб бормоқда. Бундан ташқари, қатламлашлар, шоир ҳамда ёзувчилар билан ҳам учрашувлар уюштирилмоқда.


Ҳар бир кеча, адабий-бадий конференциялар, ўқитиришлар мўшораларида ўқувчилардан тўзигилан «Еш талантлар» ансамбли дирижаб куй ва ёқимли қўшиқлари билан кеча иштирокчиларини ҳушуд этади.



Англиянинг «Эйрфлот транспорт» фирмаси ҳар қандай ҳудудга самолёт — урушни боса оладиган дирижабльлар лойиҳасини шлайб чиқди. Бу дирижабль кўпроқ юк ташинишга мўътассалган. Масалан, у қиёвдан Англияга (ёки аксичага) бир йўла 200—250 та автомашинани, Ла-Манш бўғози орқали бемаъл олаб ўта олади ва айни чоқда мингта ўқини пассажирини ҳам деңизнинг нарёғига ўтказиб қўяди. Бу ишни дирижабль атиги ярим соатда бажаради, Дирижабль мустаҳкам аломатини қотишмалардан ишланган бўлиб, унинг саккизта двигатли бор. Бу двигателлар дирижаблининг боши, дум қисми ва ёнларига ўрнатилган бўлиб, у исталган қонуниятга маневр қилиб, бурлиб ўтаверади. Бундай улкан «хаво кемалари»нинг келажакда порлоқ, дейишмоқда мутахассислар.



гашишнинг қарорларини фоят самарали бажариш ва ҳокимиятнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаш зарур эканлиги ана шу чорани амалга оширишнинг талаб қилди. Бундан мақсад — қуролли кучлар ҳаракати программасида ва унинг сиёсий тadbирлар плагинида белгиланган вазифаларни муваффақиятли суратда бажариш.



Редактор А. ИСМОИЛОВ.

— Қарима ўзининг қобилияти, тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, интилувчанлиги билан ажралиб туради. Машгулотларда мен кўрсатган ҳаракатларни диққат билан кузатиб, тез илғаб олади, У бош-

ча молларини бозорга сотаётган кишиларнинг «новини туя қилиб» еб юрган текинхўрлар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бозор олиб сотарлар, савдогарлар макони бўли

лар алдеида саф тордилар
Ўзбекистон ДОСААФ Марка-
зий Комитетининг раиси гене-
рал-майор А. Хожибоев қат-
нашчиларга катта спорт муваф-
факатидаги ташаббуси, қўл-
қўллаган кўмаги, қўлдоши

Футбол бўйича Ўзбекистоннинг навбатдаги чемпионатида олтин тур жаҳвадига пешкашдамлар қиймати Тошкентда «Трактор» командаси Фарҳонда «Нефтяник» командасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга уратди. Пешкашдамлар сафида касалатга Олмаalikнинг «Меатлдуруг» футболчилари ҳам унга майдонда ўйнаб, икки муҳим очколикни кўлга киритдилар. Улар «Текотилишчн» (Наманган) командасини 3:4 ҳисобида мағлубиятга уратдилар.

БИГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00—
МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.0
— «Камалат» программаси. 18.4
— Бутуниттifoқ темир йўчили
кўни олдидан. 19.35 — «Ахб
рот». 19.50 — «Фан» програ
маси. 20.30 — «Ахборот. 20.40

Есения — «МОСКВА» (11.00,
13.30, 16.00, 18.30, 21.00)

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, ГСП, Тьяляновский проезд, 92-уй (1, 4, 17, 41, 69-автобусларнинг «Партия мак-»

вафот этганлиги, муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилдилар.

коммутатор — 330249 дан
330258 гача
ълонлар — 338142.